

Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси билан учрашди



13:00 / 19.04.2019 2861

Аввал хабар берганимиздек шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратларининг Тошкент бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.

Бугун 2019 йил 19 апрель куни шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Аккулов Абдулазиз билан учрашдилар.

Қўмита раиси азиз шайх ҳазратга 23 февраль куни туризм бўйича бўлиб ўтган Халқаро конференцияда видео мурожаатлари билан қатнашганлари, ушбу таклифга эътибор берганликлари учун ташаккур изҳор қилди. Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ Ўзбекистонга зиёрат сафарлари

хақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Жумладан, сафардаги қулайликлар, сайёҳлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларни янада такомиллаштириш ҳақида ҳам гапириб ўтдилар. Қолаверса, юртимиздаги қўлғезмаларни кашф қилиш, уларни дунё оммасига етказишда ғайрат қилиш лозимлиги, бу билан иқтисод, туризмни ҳам ривожлантириш мумкинлигини шайх ҳазратлари баён қилиб ўтдилар.

Бундан ташқари, Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари дунё Ислом иқтисодиёти уламолар кенгашини раҳбарларидан саналадилар. Ушбу йўналиш бўйича Ўзбекистонда ҳаракат бошланаётганидан, ислоҳотлардан мамнунликлари ва юртимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Учрашув ниҳоясида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси меҳмонга эсдалик совғаларини топширди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

